



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING FARMOYISHI

2021 yil « 27 » may

№ 276-F

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 27 июлдаги ПҚ–4790-сон қарори ижросини таъминлаш ҳамда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини рақамлаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 27 июлдаги ПҚ–4790-сон қарорига мувофиқ:

Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати (кейинги ўринларда – Санитария-эпидемиология хизмати) тизимида хавфни таҳлил қилиш механизмини жорий қилиш учун назорат остидаги объектларнинг ягона электрон базасини яратиш, тўлиқ ишга тушириш ва “Электрон ҳукумат” тизимига интеграция қилиш вазифаси юкланганлиги;

ягона электрон базани ишлаб чиқиш билан боғлиқ харажатлар Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси, уни кейинчалик техник қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ харажатлар эса – Санитария-эпидемиология хизматининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бир ҳафта муддатда ушбу фармойишда белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси маблағлари ҳисобидан Санитария-эпидемиология хизматига 646 млн сўм ажратиб берилишини таъминласин.

3. Санитария-эпидемиология хизмати (Юсупалиев):

хавфни таҳлил қилиш механизмини жорий қилиш учун назорат остидаги объектларнинг ягона электрон базаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Соғлиқни сақлаш соҳасида рақамлаштириш ишларини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 23 февралдаги ПҚ–5000-сон қарори талаблари асосида ишлаб чиқилишини назарда тутсин;

назорат остидаги объектлар санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мослигини ўрганиш натижалари ўзининг расмий веб-сайтида, ижтимоий тармоқлар ва бошқа оммавий ахборот воситаларида мунтазам равишда жойлаштириб борилишини ҳамда ушбу йўналишда жамоатчилик фикри тизимли равишда таҳлил қилинишини таъминласин.

ягона электрон база шакллантирилиши, самарали фаолият кўрсатиши ва уни кейинчалик ривожлантириш учун масъул эканлиги белгилаб қўйилсин.

4. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Б.А. Мусаев ва Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.М. Хаджибаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов